БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 293 (17.277). • 24 декабрь 1978 йил якшанба • Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни 1979 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР ҳукумати қарорларини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштириб чиқиш топширилсин.

3. Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг 1938 йил 17 июлдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон ССР амалдаги қонунларининг систематик йиғиндиси, 1938 йил, 1-том, 12 модда) 1979 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1978 йил 21 декабрь. Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг

ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Совети — Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органи**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети — Ўзбекистон ССР Ҳукумати — Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органидир.

Ўзбекистон ССР Конституцияси СССР Конституциясига мувофиқ, ленинча ғоялар ва принципларга асосланиб, социалистик умумхалқ давлати функцияларини амалга оширишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг роли ва вазифаларини белгилаб беради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган ва давлатни бошқаришга оид бўлган барча масалаларни ҳал этишга ҳақлидир, чунки бу масалалар Конституцияга кўра Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми компетенциясига кирмайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз фаолиятида СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига, СССР ва Ўзбекистон ССР қонунларига, СССР Ҳукумати қарорларига амал қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР ва Ўзбекистон ССР қонун актлари, СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари асосида ва уларни ижро этиш юзасидан қарорлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини уюштириши ва текшириб туради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида барча органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва гражданлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

2-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фаолиятининг асосий йўналишлари**

Коммунистик партиянинг қарорларига ва социалистик умумхалқ давлатининг бош вазифаларига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз компетенцияси доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича иш олиб боради:

социализмнинг иқтисодий қонунлари ва афзалликларидан ҳар томонлама фойдаланиш асосида ягона социал-иқтисодий сиёсат ўтказиб боради;

халқ хўжалигини муттасил, планли равишда ва пропорционал тарада ривожлантиришни, фан-техника тараққиётини тезлаштиришни, совет кишиларининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини энг тўлиқ равишда қондириш мақсадида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишни таъминлайди;

халқ фаровонлигини ва маданиятини ошириб боради, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилади, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради;

бирғаликда коммунизм қуриш, Ўзбекистон ССР манфаатларини ССР Иттифоқи ва бошқа иттифоқдош республикалар манфаатлари билан қўшиб олиб боришни таъминлаш мақсадида мамлакатдаги барча миллатлар ва элатлар жинсларини яқинда мустаҳкамлайди;

ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатларини кўзлаб табиат бойликларидан рационал фойдаланишни ва бу бойликларни муҳофаза қилишни таъминлайди;

давлат бошқарувини такомиллаштиради;

давлат манфаатларини ҳимоя қилади, социалистик мулкни муҳофаза этади ва кўпайтиради, социалистик қонунчиликни ҳамда давлат интизомини янада мустаҳкамлайди;

мамлакат хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлаш чораларини амалга оширишда қатнашади;

СССР Конституцияси белгилаб берган ташқи сиёсат мақсадлари, вазифалари ва принципларига мувофиқ равишда ташқи сиёсий фаолиятни амалга оширади.

3-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фаолиятининг асосий принциплари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз фаолиятида демократик централизм, социалистик федерализм, социалистик қонунчилик, ошкоравийлик ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш принципларига амал қилиб;

давлатни бошқариш масалаларини марказлаштирилган тартибда ҳал этишни республика (Қорақалпоғистон АССР) органлари ва маҳаллий органларнинг ташаббускорлигини ривожлантириш билан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети масалаларни коллегиал тарзда кўриб чиқиши ва ҳал этишини қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ҳамда ўзига топширилган соҳалардаги ишларнинг аҳволи учун Ўзбекистон ССР Ҳукумат аъзоларининг шахсий масъулият сезиши билан қўшиб олиб боришни таъминлайди;

тегишли масалаларни ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективлари ва гражданларнинг таклифларини аниқлашни ва улардан фойдаланишни ташкил этади, ўз ишларидан ва қабул қилган асосий қарорларидан аҳолини хабардор қилиб туради;

СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига, СССР қонунларига, СССР Олий Совети ва унинг Президиуми чиқарган бошқа қарорларга, Ўзбекистон ССР қонунларига, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг Президиуми чиқарган бошқа қарорларга оғишмай риоя этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон ССР территориясида ССР Иттифоқи ваколатлари амалга оширишига ёрдам беради, СССР давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари қарорларини амалга оширади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳал этадиган масалаларни кўриб чиқишда, қонунларда кўзда тутилган ҳолларда, жамоат ташкилотларининг республика органлари ўз уставларида белгиланган вазифаларга мувофиқ иштирок этадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатни бошқариш масалаларини ҳал этишда фан ютуқларидан фойдаланади.

4-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тузиш тартиби. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг состави**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР министрлари, Ўзбекистон ССР давлат комитетларининг раислари дан иборат составда тузилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига лавозими бўйича Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси ҳам киради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССРнинг бошқа органлари ва ташкилотлари раҳбарларини Ўзбекистон ССР Ҳукумати составига киритиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шахсий состави Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан ўзгартирилади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиялари ўртасидаги даврда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составидаги айрим шахсларни вазифасидан озод қилиш ва ишга тайинлаш Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан амалга оширилиб, кейин бу ҳол Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида Олий Совет тасдиғига ҳавола этилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети янги сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида унинг биринчи сессиясида ўз ваколатини зиммасидан соқит қилади.

5-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг жавобгарлиги ва ҳисоб бериш тартиби**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Советига ва унинг ҳисоб бериб туради, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиялари ўртасидаги даврда эса — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми олдида жавобгар бўлиб, унга ҳисоб бериб боради.

Янги тузилган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўзининг келгуси фаолияти тўғрисидаги баёнотни Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз ишлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида мунтазам ҳисоб бериб боради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аъзосига Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати сўров билан мурожаат қилганида улар бу сўровга Ўзбекистон ССР Олий Советининг шу сессиясида оғзаки ёки ёзма равишда жавоб беришлари шарт.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети комиссияларининг тавсияларини, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг таклифларини кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёки улар юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақида белгиланган муддатда уларга хабар қилади.

II. ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯСИ

6-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Совети компетенциясига оид умумий масалалар**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР Конституциясида, Ўзбекистон ССР Конституциясида, СССР қонунларида, ушбу Қонунда ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунларида, СССР Министрлар Советининг қарорларида кўзда тутилган ўз ваколатлари доирасида:

халқ хўжалигига, социал-маданий қурилишга ва давлатни бошқаришнинг бошқа соҳаларига раҳбарлик қилишни таъминлайди; иттифоқ-республика ва республика қарамоғидаги тармоқларга раҳбарликни амалга оширади;

саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларини, транспорт ва алоқа корхоналарини, илмий муассасаларни, шунингдек республика қарамоғидаги ва маҳаллий қарамоқдаги бошқа ташкилотлар ҳамда муассасаларни бошқаришни ташкил этади;

давлат корхоналарини, бирлашмаларни, республика қарамоғидаги ва маҳаллий қарамоқдаги бошқа ташкилотлар ва муассасаларни тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди;

иттифоқ қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Ўзбекистон ССР ихтиёридаги масалаларга тааллуқли ишларини уйғунлаштириб ва контрол қилиб боради;

республика ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг вазифалари ва функцияларини, уларнинг ташкил этилиш ва иш тартибини белгилайди; давлат бошқаруви органлари системасини, уларнинг иш услуби ва методларини такомиллаштириш чораларини кўради.

Зарур бўлиб қолган ҳолларда, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат бошқарувининг ўз компетенциясига кирадиган айрим масалаларини ҳал этишни Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари область Советлари ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларига, ўз қарамоғидаги бошқа органларга топшириши мумкин.

7-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг экономикани ривожлантириш соҳасидаги асосий ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

1) марказлаштирилган тартибда бошқаришни корхоналар, бирлашмалар ва бошқа ташкилотларнинг хўжалик мустақиллиги ва ташаббускорлиги билан қўшиб олиб борган ҳолда тармоқ ва территориал принципларни ҳисобга олиб, иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планлари асосида ССР-нинг ягона халқ хўжалик комплекси таркибий қисми бўлган Ўзбекистон ССР экономикасини ривожлантиришни таъминлайди;

2) ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, миллий даромадни ўстириш ва уни рационал равишда тақсимлашнинг оптимал суръатларини таъминлаш чораларини кўради; зарур давлат резервларини вужудга келтиришда қатнашади;

3) Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига доир таклифларни ишлаб чиқади, халқ хўжалигининг турдош тармоқлари группаларини бошқаришни ташкил этади, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришни ўйғунлаштиради; фан-техника тараққиётини тезлаштиришни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни, чиқарилаётган маҳсулотлар аъло сифатда бўлишини таъминлаш чораларини кўради;

4) СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим комплекс умумдавлат, тармоқлараро ва территориал проблемаларини ҳал қилишда қатнашади; Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг комплекс проблемаларини ҳал этишни таъминлайди;

5) хўжалик ҳисобидан, фойдадан, таннархдан ва бошқа иқтисодий воситалар ҳамда стимуллардан актив фойдаланишни таъминлайди; социалистик ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан максимал даражада фойдаланиш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш чораларини кўради;

6) ердан ва ер ости бойликларидан, сув ресурларидан, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидан илмий асосда, рационал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан, ҳаво ва сувнинг тоза сақланиши, табиий бойликларни таъминлаш ва инсонни қуршаб турган муҳитни яхшилаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади

8-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг соғлом ривожланиш ва маданият соҳасидаги асосий ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

1) меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида меҳнаткашларнинг меҳнат ҳақи даражасини ва реал даромадларини ошириш, ижтимоий истеъмол фондларини кўпайтириш чораларини амалга оширади;

2) давлат соғлиқни сақлаш системасини ва унинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, гражданларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш чораларини кўради, физкультура ва спортни ривожлантиришга ёрдамлашади;

3) социал таъминот соҳасида ягона сиёсат ўтказишда қатнашади; Ўзбекистон ССРда социал таъминотни бошқаришни ташкил этади; социал страхованиени ташкил этиш чораларини амалга оширишга ёрдамлашади;

4) давлат ва жамоат ўй-жой фондини ривожлантириш ва сақлаш чораларини амалга оширади, кооператив ва якка тартибдаги ўй-жой қурилишига кўмаклашади; шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ободончилигига раҳбарлик қилишни таъминлайди; йўл қурилиши ва транспортни бошқаришни ташкил этади;

5) халқ маорифининг ягона системасини, маданият муассасалари шохобчаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш чораларини кўради; совет кишиларини ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг маданий савиясини ошириш учун маънавий бойликларнинг муҳофаза қилинишини, кўпайтириб борилишини ва бу бойликлардан кенг фойдаланишни таъминлайди; профессионал санъатни ва халқ бадиий ижодкорлигини ривожлантиришга ёрдамлашади; тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш чораларини кўради;

6) давлат савдо ва умумий овқатланиш системаларини ривожлантириш чораларини кўради; аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ва коммунал хўжалиги бошқаришни ташкил этади; аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида кооператив ташкилотлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятига ёрдам бериб боради.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚУВА РАЙОНИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Қува районининг меҳнаткашлари партия XXV съезди қарорларини ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини бажара бориб, меҳнатда катта ғалабага эришдилар — чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларидан руҳланган район меҳнатчилари меҳнат активлигини оширдилар, ижодий ташаббусни чорвачилик фермаларида ва комплексларида барча имкониятлар ҳамда резервлардан фойдаланишга қаратдилар. Чорвадорларнинг астойдил қилган илҳомбахш меҳнати 1978 йил учун белгиланган тадбирларни муваффақиятли бажариш билан якунланди.

Район хўжаликларида гўшт етиштириш 2089 тоннага етди ва бир йил ичида 38 процент кўпайди, сут 7230 тоннага етди ёки 22 процент кўпайди, тухум 2 миллион 256 минг донага етди ёки 35 процент кўпайди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 350 килограмм кўпайди, ҳар бош қорамолнинг даврлатга топшириш пайтидаги тирик вазни 400 килограммдан ошиб кетди. Бу муваффақиятларга мустаҳкам ем-хашак базаси яратилганлиги туфайли эришилди. Деҳқончилик маданиятини ва озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини оширишга асосий эътибор берилди. Бунинг натижасида мавжуд майдонларнинг ўзида 1977 йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўп ем-хашак етиштирилди.

Ҳар гектар майдондан 505 центнердан маккажўхори кўк пояси ва 77,2 центнердан маккажўхори дони, 600 центнердан илдизмева, 174 центнердан беда пичани олинди. Такрорий экилган ва оралиқ экинларидан мўл ем-хашак йиғиштириб олинди.

Район хўжаликларида чорвачиликни ихтисослаштириш, концентрациялаш ва хўжаликлараро кооперациялаш, фермаларни механизациялаштириш ва электрлаштириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қува районининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларига жавобан чорва қишловини намунали ўтказиш учун мусобақани кенг авж олдириб, қиш мавсумида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш чораларини кўрмоқдалар, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун белгиланган тадбирлар ва топшириқларни муваффақиятли бажариш юзасидан янада юксак марраларни белгиламоқдалар.

Андижон область Бўз районидаги Энгельс номли колхозининг миришкор пахтакорлари бу йил «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштириб, ҳар гектар майдондан қирқ центнердан хирмон кўтардилар. Ҳозирги кунда хўжалик майдонларини шудгорлаш ишлари тез суръатлар билан бормоқда. Суратда: далаларни шудгорлаш пайти.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларида

Ўзбекистон ССР Олий Советидаги бир қанча комиссияларнинг мажлислари бўлди.

Қишлоқ хўжалиги комиссиясининг мажлисида Андижон область халқ депутатлари маҳаллий Советларининг чорвачилик маҳсулоти етиштиришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш соҳасидаги иши таҳлил қилинди.

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиясининг мажлисида «Главташкентстройнинг поток комплекс қурилиш практикасини кенгайтириш соҳасидаги ишига доир масала кўриб чиқилди.

Фан ва маданият комиссияси ва коммунал хўжалик ҳамда маиший хизмат комиссиясининг қўшма мажлисида Қашқадарё область чорвадорларига кўрсатилаётган маданий-маиший хизматнинг аҳволи муҳокама қилинди.

Халқ маорифи комиссияси Тошкент облластидаги маҳаллий Советларнинг болаларни мактабдан ташқари тарбиялашни уюштириш соҳасидаги ишига таллуқли масалани муҳокама қилди.

Ташқи ишлар комиссияси, табиат ва ер ости бойликларини муҳофаза этиш комиссиясининг мажлисларида бир қанча муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Доимий комиссиялар ўзларининг 1979 йилги иш планини тасдиқладилар. (ЎзТАГ).

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ— ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 декабрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон, учинчи устун —мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ХОРАЗМ	3,0	162,0
НАМАНГАН	—	110,5
ҚҚАССР	0,4	108,4
Андижон	1,9	96,7
Тошкент	1,6	86,2
Бухоро	2,8	87,5
Фарғона	3,5	76,7
Жиззах	1,6	69,0
Сирдарё	2,9	65,7
Қашқадарё	6,5	58,7
Самарқанд	2,8	54,0
Сурхондарё	3,4	40,5
Республика бўйича:	2,7	75,7

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Сирдарё области саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, саноат маҳсулоти реализация қилиш юзасидан беш йилликнинг уч йили планини муддатидан илгари адо этдилар.

Йил охиригача 15 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигининг корхоналари ва ташкилотлари коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек капитал маблағ ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми юзасидан йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари 9 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

* * *

«Узглавстройдревпром» коллективи реализация қилинадиган маҳсулот ҳажми юзасидан йиллик планни барвақт адо этди.

Йил охиригача пландан ташқари 840 минг сўмлик товар маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

мусобақа Эҳкундалиги

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ИҲЛАРИДА

Қорақалпоғистон автоном республикасининг энг узоқ районлари ва аҳоли пунктлари ҳамда қатор корхоналари тез суръатлар билан газлаштирилмоқда. Яқинда Сазакин — Тўрткўл газопроводининг 60 километрли дастлабки участкаси фойдаланишга топширилди. Бу эса Қорақалпоғистоннинг энг жанубий қисмига жойлашган Тўрткўл районининг кўпчилик посёлкалари Газли конининг «занГори олов»ини олишига имконият яратади.

Автоном республикада жуда кўп аҳоли пунктларини, айниқса қишлоқларни газлаштириш тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Жумладан ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилидан то шу пайтгача 27 мингдан ортиқ квартира, ўнларча саноат корхоналари арзон ёқилғи билан таъминланди. Беш йиллик охиригача газлаштириш ишлари тағин ҳам ривожланади.

ЯНГИ ПОДСТАНЦИЯ

Хоразм электр тармоқлари корхонасининг коллективи Амударё ёнбағридаги Қизилжар яйловида 6300 киловольт-ампер қувватли янги трансформатор подстанциясини барвақт ишга туширди. Подстанция кўрик ердаги «Қизилжар» ва Дўстлик» чорвачилик совхозларини электр энергияси билан таъминлаб туради. Бу хўжаликларда областдаги ҳамма қорамолнинг чорак қисмига яқини йиғилган.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИГА ВАКИЛЛАР КЎРСАТИШ

Республикада СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари составига номзодлар кўрсатиш бошланди. Меҳнат коллективлари, партия ва жамоат ташкилотлари ана шу комиссияларда ишлаш учун ўзларининг энг яхши вакилларини тавсия этмоқдалар. Булар —илғор ишчилар, колхозчилар, олимлар, санъат арбоблари, коммунистлар ва партиясиз активлардир. Уларнинг ҳаммаси ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришдаги фидокорона меҳнатлари билан, актив жамоат фаолияти билан барчанинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган кишилардир.

«Ташсельмаш» заводи коллективининг йиғилишида Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Тошкент-Киров сайлов округи комиссиясининг составига фрезерчи Р. И. Пайзибоев кўрсатилди. «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Тошкент-Ленин сайлов округи комиссияси составига тикувчи М. М. Мирсаматовани тавсия этди. Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Тошкент-Ленин сайлов округи комиссияси составига пўлат қуювчи Е. А. Маршаловни таклиф этдилар. Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Тошкент-Октябрь сайлов округи комиссияси составига «Главташкентстройга қарашли 159-трест партия комитетининг секретари А. А. Пантелеев шу трестдан номзод қилиб кўрсатилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Люксембург транспорт мутахассислари делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Транспорт ва энергетика министри Жоси Бартель бошчилигидаги бу делегация СССР граждан авиацияси министрлигининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов 23 декабрь куни делегацияни қабул қилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

О. У. САЛИМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика партия органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги ҳамда фанни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Оқил Умрзоқович **Салимовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1978 йил, 22 декабрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА

(Бошы биринчи бетда).

9-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг иқтисодий ва социал ривожлантиришни планлаштириш соҳасидаги асосий ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

1) Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг жорий ва перспектив давлат планларини ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига киритади, давлат планларини амалга ошириш чораларини кўради, планларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этади;

2) планлаштириш соҳасида Ўзбекистон ССР давлат бошқарувининг марказий органи — Ўзбекистон ССР Давлат план комитети, Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли бошқа органлар ҳамда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планлари лойиҳаларини тайёрлаш ишларини ташкил этади; планларнинг балансланиши ва стабиллигини таъминлайди, планлаштириш методларини такомиллаштириб боради; Қорақалпоғистон АССР, областларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш чораларини кўради, республика территориясида ишлаб чиқарувчи кучларнинг рационал жойлаштирилишини таъминлайди;

3) иқтисодий, социал ва илмий-техникавий тараққиётнинг комплекс умумдавлат программаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда катнашади; республика комплекс программаларини ишлаб чиқишни ташкил этади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

4) учёт ва статистиканинг ягона системасини ташкил этиш чораларини амалга оширишга кўмаклашади.

10-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг молия, кредит ва нарх-наволар соҳасидаги асосий ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

1) Ўзбекистон ССРда Совет давлатининг молия сиёсатини амалга ошириш чораларини кўради;

2) СССР ва Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планлари, СССР давлат бюджети асосида Ўзбекистон ССР давлат бюджетини ишлаб чиқади ва уни Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳавола этади, бу бюджетни амалга ошириш чораларини кўради ва Ўзбекистон ССР давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этади;

3) пул ва кредит системасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат страхованиесини ташкил этиш чораларини амалга оширишга ёрдамлашади;

4) нарх-наволар соҳасида ягона сиёсат ўтказишда ва нархлар системасини такомиллаштиришда қатнашади.

11-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг меҳнат ва иш ҳақи соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

1) гражданларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш чораларини амалга оширади; меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида ягона сиёсатни ўтказишда қатнашади; меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишни таъминлайди;

2) халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини тинмай ўстириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг замонавий воситаларини кенг жорий этишни таъминлаш, меҳнат шароитларини ва унинг муҳофаза қилинишини яхшилаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш чораларини ишлаб чиқади;

3) ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишда иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш тадбирларини амалга оширади; меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари билан иш ҳақининг ошиши ўртасида зарур нисбат бўлишини, моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларининг кўшиб олиб борилишини таъминлайди;

4) Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети билан биргаликда социалистик мусобақани ривожлантириш ва унинг таъсирчанлигини ошириш чораларини кўради;

5) Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети билан биргаликда иш вақтини, шунингдек меҳнаткашларнинг дам олиш вақтини тартибга солиш масаласини ҳал қилади;

6) ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлашни ва улардан фойдаланишни, кадрлар малакасини оширишни ташкил этишни таъминлайди.

12-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фан ва техника соҳасидаги асосий ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

1) фан ва техника соҳасида ягона сиёсат ўтказиш тадбирларини амалга оширишда, илмий-техника тараққиётини таъминлашда қатнашади;

2) республикага оид энг муҳим илмий-техникавий проблемаларни ҳал этиш ишлари программасини белгилаб беради;

3) фан ва техникани ривожлантириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқотлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг натижаларини жорий этиш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

4) Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фаолиятини йўналтириб туради.

13-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг социалистик қонунчиликни таъминлаш соҳасидаги асосий ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

1) жамоат тартибини сақлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади;

2) социалистик мулкни қўриқлаш соҳасида давлат, кооператив ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини йўналтириб туради;

3) Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларининг, ўз қарамоғидаги бошқа органларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг қонуналарга риоя қилишларини таъминлайди; давлат бошқарув органларида, корхоналарда, бирлашмаларда ва бошқа ташкилотлар ҳамда муассасаларда ҳуқуқий ишлар олиб борилишини таъминлайди;

4) амалдаги қонунларни такомиллаштириш чораларини кўради.

14-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мамлакат хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлаш соҳасидаги асосий ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

1) СССР қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган масалаларни ҳал қилишда СССР Ҳукуматида ва ССР Иттифоқининг бошқа органларида иштирок этади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети муҳокамасига умуминттифоқ аҳамиятига молик масалалар юзасидан таклифлар киритадилар.

15-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ташқи сиёсий фаолият соҳасидаги асосий ваколатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

1) жамоат тартибини сақлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади;

2) социалистик мулкни қўриқлаш соҳасида давлат, кооператив ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини йўналтириб туради;

3) Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларининг, ўз қарамоғидаги бошқа органларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг қонуналарга риоя қилишларини таъминлайди; давлат бошқарув органларида, корхоналарда, бирлашмаларда ва бошқа ташкилотлар ҳамда муассасаларда ҳуқуқий ишлар олиб борилишини таъминлайди;

4) амалдаги қонунларни такомиллаштириш чораларини кўради.

16-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисларида ҳал этиладиган масалалар**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз компетенциясига оид барча масалаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларидан, шунингдек Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг бошқа аъзоларидан иборат составда бўлган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доимий органи сифатида иш олиб боради.

III. ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ДАВЛАТНИНГ БОШҚА ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

18-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР ва иттифоқдош республикалар давлат органлари билан муносабатлари**

СССР қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган масалаларни ҳал қилишда СССР Ҳукуматида ва ССР Иттифоқининг бошқа органларида иштирок этади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети муҳокамасига умуминттифоқ аҳамиятига молик масалалар юзасидан таклифлар киритадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан кундалик алоқаларини таъминлаш мақсадида СССР Министрлар Совети ҳузурида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доимий ваколатхонаси бўлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳамда СССР министрликлари ва давлат комитетларининг, СССР Министрлар Советига қарашли бошқа органларнинг компетенцияларини амалга оширишда ва иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планларини, энг муҳим комплекс умумдавлат, тармоқлараро ҳамда регионал программаларни амалга оширишда ана шу органлар билан ўзаро келишиб иш олиб боради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР Конституциясида белгилаб берилган вазифалар ва мақсадларга асосланиб, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал қилишда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан ўзаро келишиб иш олиб боради.

19-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети билан муносабатлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз ваколатлари доирасида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ишини йўлга солиб ва текшириб туради. Партия ва Ҳукуматнинг давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш вазифаларини амалга ошириш тўғрисидаги қарорлари Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети томонидан қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги докладларни эшитади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган масалаларни ҳал қилишда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети иштирок этади. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети умуминттифоқ ва республика аҳамиятига эга бўлган масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети муҳокамасига таклифлар киритади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ҳамда Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли бошқа органларнинг ўз компетенцияларини амалга оширишларида ҳамда иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини, республикага тегишли энг муҳим комплекс программаларни амалга оширишларида бир-бирлари билан ўзаро келишиб иш олиб боришларини таъминлайди, бу борада келиб чиқадиган масалаларни ҳал қилиб беради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз компетенцияси доирасида халқ депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилишга ҳақлидир.

21-м о д д а. **Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарамоғидаги бошқа органларга раҳбарлик қилиш**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР нинг иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда давлат комитетларининг, ўз қарамоғидаги бошқа органларнинг ишларини бирлаштириб ва йўналтириб боради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига, Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиялари ўртасидаги даврда эса — унинг Президиумига таклифлар киритади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, зарур бўлиб қолган тақдирда, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида хўжалик ва социал-маданий қурилиш ишлари бўйича комитетлар, бош бошқармалар ва бошқа идораларни тузади, шунингдек бу органларни қайта ташкил этади ва тугатади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетлари тўғрисидаги низомларни, ўзига қарашли бошқа органлар тўғрисидаги низомлар (уставлар)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди, шунингдек уларнинг марказий аппарати структурасини тасдиқлайди ҳамда унга ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги комитетларнинг, бош бошқармаларнинг ва бошқа идораларнинг раҳбарларини, Ўзбекистон ССР министрликларини, Ўзбекистон ССР давлат комитетлари раисларининг ўринбосарларини ва ўз қарамоғидаги бошқа органлар раҳбарларининг ўринбосарларини тайинлайди, Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетлари, ўз қарамоғидаги бошқа органлар коллегияларининг аъзоларини, шунингдек Ўзбекистон ССР давлат комитетларининг аъзоларини тасдиқлайди.

22-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўз қарамоғидаги органлар фаолияти устидан контроллиги**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларининг, ўз қарамоғидаги бошқа органларнинг фаолияти устидан систематик равишда контроль қилиб туради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларининг, ўз қарамоғидаги бошқа органларнинг ўз зиммаларидаги вазифаларни бажариш ва улар ўз функцияларини амалга ошириш учун, ўз ихтиёрларига топширилган масалаларни ўзлари мустақил ҳал этиш учун берилган ҳуқуқларидан тўла равишда фойдаланишларини таъминлаш чораларини кўради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларининг, ўз қарамоғидаги бошқа органларнинг актларини бекор қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР министрларига, Ўзбекистон ССР давлат комитетларининг раисларига, ўз қарамоғидаги бошқа органларнинг раҳбарларига, шунингдек уларнинг ўринбосарларига нисбатан интизомий жазо чорасини қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўзининг контроллик қилиш фаолиятида Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тузиладиган Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетига таянади, хўжалик ва социал-маданий қурилиш соҳасида ва давлат бошқарувининг бошқа соҳаларида Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг контроллик ишларини йўналтириб туради, текширган натижаларига асосланиб Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети киритган масалаларни ва таклифларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг Раиси Ўзбекистон ССР Ҳукумати составига киритилади.

23-м о д д а. **Ўзбекистон ССР министрликлари**

Ўзбекистон ССР министрликлари Ўзбекистон ССР давлат бошқарувининг марказий органлари ҳисобланади. Ўзбекистон ССР Министрликлари ўзларига топширилган бошқарув тармоқларига раҳбарлик қилиб борадилар ва шу тармоқларнинг ҳолати ҳамда ривожланиши учун, давлат планларининг бажарилиши ва тегишли тармоқлар олдида турган бошқа вазифаларнинг ҳал этилиши учун жавобгардирлар.

Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика министрликлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳам, шунингдек СССРнинг тегишли иттифоқ-республика министрлигига, айрим ҳолларда эса СССРнинг тегишли иттифоқ-республика давлат комитетига ҳам бўйсунганлари ҳолда бошқарувнинг ўзларига топширилган тармоқларига раҳбарлик қиладилар.

Ўзбекистон ССР республика министрликлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бўйсунганлари ҳолда бошқарувнинг ўзларига топширилган тармоқларига раҳбарлик қиладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР министрликлари зиммасига тармоқлараро бошқарувнинг айрим функцияларини амалга ошириш вазифасини юклаши мумкин.

Ўзбекистон ССР министрликлари ўз компетенциялари доирасида СССР қонунлари ва СССР Олий Совети ҳамда унинг Президиуми қабул қилган бошқа қарорлар, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари, СССРнинг тегишли министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари чиқарган актлар асосида ва уларни ижро этиш юзасидан актлар чиқарадилар, бу актларнинг бажарилишини ташкил этадилар ва текшириб турадилар.

Ўзбекистон ССР министрликларига министрлар бошчилик қиладилар, улар тегишли министрликларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришлари ва ўз функцияларини амалга оширишлари учун шахсан жавобгардирлар.

24-м о д д а. **Ўзбекистон ССР давлат комитетлари**

Ўзбекистон ССР Давлат комитетлари Ўзбекистон ССР давлат бошқарувининг марказий органлари ҳисобланади. Ўзбекистон ССР давлат комитетлари тармоқлараро бошқарувни амалга оширадилар ҳамда ўзларига топширилган бошқарув соҳасининг ҳолати ва ривожланиши учун жавобгардирлар.

Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика давлат комитетлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳам, шунингдек СССРнинг тегишли иттифоқ-республика давлат комитетига (СССРнинг тегишли иттифоқ-республика министрлигига) ҳам бўйсунганлари ҳолда тармоқлараро бошқарувни, айрим ҳолларда эса — тармоқ бошқарувини амалга оширадилар.

Ўзбекистон ССР республика давлат комитетлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бўйсунганлари ҳолда тармоқлараро бошқарувни, айрим ҳолларда эса — тармоқ бошқарувини амалга оширадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари, СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари, СССРнинг тегишли давлат комитетлари (СССРнинг тегишли министрликлари) чиқарган актлар асосида ва уларни ижро этиш юзасидан актлар чиқарадилар, бу актларнинг бажарилишини ташкил этадилар ва текшириб турадилар.

Ўзбекистон ССР давлат комитетларига давлат комитетларининг раислари бошчилик қиладилар; улар тегишли давлат комитетларининг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришлари ва ўз фунцияларини амалга оширишлари учун шахсан жавобгардирлар.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛИКЛАРИ ВА ДАВЛАТ КОМИТЕТЛАРИНИНГ РУЙХАТИ. ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА ҚАРАШЛИ БОШҚА ОРГАНЛАР

25-м о д д а. **Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика министрликлари.**

Қуйидаги министрликлар Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика министрликларидир:

Алоқа министрлиги,

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги,

Геология министрлиги,

Гўшт ва сут саноати министрлиги,

Енгил саноат министрлиги,

Ички ишлар министрлиги,

Маданият министрлиги,

Маориф министрлиги,

Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги,

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги,

Молия министрлиги,

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги,

Озиқ-овқат саноати министрлиги,

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги,

Пахта тозалаш саноати министрлиги,

Савдо министрлиги,

Соғлиқни сақлаш министрлиги,

Тайёрлаш министрлиги,

Ташқи ишлар министрлиги

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги,

Юстиция министрлиги,

Ўрмон хўжалиги министрлиги,

Қишлоқ хўжалиги министрлиги,

Қишлоқ қурилиши министрлиги,

Қурилиш министрлиги.

26-м о д д а. **Ўзбекистон ССРнинг республика министрликлари**

Қуйидаги министрликлар Ўзбекистон ССР Республика министрликларидир:

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги,

Автомобиль транспорти министрлиги,

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги,

Коммунал хўжалик министрлиги,

Маҳаллий саноат министрлиги,

Социал таъминот министрлиги.

27-м о д д а. **Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика давлат комитетлари**

Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика давлат комитетларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети,

Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитети,

Ўзбекистон ССР Материал-техника таъминоти давлат комитети,

Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети,

Ўзбекистон ССР Баҳолар давлат комитети,

Ўзбекистон ССР Балиқчилик хўжалиги давлат комитети,

Ўзбекистон ССР Профессионал-техника таълими давлат комитети,

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети,

Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети,

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети,

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети,

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети.

28-м о д д а. **Республика давлат комитетлари**

Республика давлат комитетлари жумласига Ўзбекистон ССР Газлаштириш давлат комитети киради.

29-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли бошқа органлар**

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси, Ўзбекистон ССР Колхозларда қурилиш ишлари олиб бориш давлат-кооператив бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Картошка, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узум етиштириш, тайёрлаш, саноат усулида қайта ишлаш ва улгуржи реализация қилиш хўжалик ҳисобидаги аграр-саноат бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб бориш бош бошқармаси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарамоғидаги органлардир; уларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон ССР Ҳукумати составига киритилади.

Саноатда ишларни бехатар олиб бориш устидан назорат қилиш ва кончилик назорати комитети, Физкультура ва спорт комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги хўжалик ва социал-маданий қурилиш ишлари билан шуғулланувчи бошқа комитетлар, бош бошқармалар, идоралар ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ тузилган бошқа органлар ҳам Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли органлардир.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида Ўзбекистон ССР Давлат арбитражи иш кўради.

V. ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

30-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва унинг Президиуми мажлислари ҳамда шу мажлисларда қарорлар қабул қилиш тартиби**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлислари ҳар кварталда камида бир марта ўтказилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлислари (заруратга қараб) мунтазам равишда ўтказиб турилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва унинг Президиуми мажлисларида қарорлар тегишли бўлишига қараб Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аъзоларининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

31-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Ҳукуматига бошчилик қилади ва унинг фаолиятини йўналтириб туради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси:

Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шахсий составини тузади ва Ўзбекистон ССР Олий Советига тегишли таклиф киритади;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составидаги айрим шахсларни вазифасидан озод қилиш ва ишга тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиялари ўртасидаги даврда эса — унинг Президиумига таклифлар тақдим этади;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва унинг Президиуми ишларини ташкил этади ҳамда уларнинг мажлисларига раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарамоғидаги органлардир; уларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон ССР Ҳукумати составига киритилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишида коллегиаллик бўлишини таъминлайди;

Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР қонуналарига мувофиқ халқаро муносабатларда Ўзбекистон ССР номидан вакиллик қилади;

кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, давлатни бошқаришнинг айрим масалаларига доир қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ равишда Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетларининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарамоғидаги бошқа органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турадилар, бу органлар фаолияти устидан контроллик қиладилар ҳамда уларга иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари, СССР Министрлар Советининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини таъминлаш ҳамда улар фаолиятининг бошқа масалалари хусусида оператив равишда кўрсатмалар бериб турадилар; Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиладиган таклифларни ҳамда қарор ва фармойишларнинг лойиҳаларини олдиндан кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси йўқ пайтларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси вазифасини унинг топшириғига биноан Раисининг Биринчи ўринбосари бажаради.

32-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг доимий комиссиялари ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бошқа ишчи органлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми доимий комиссияларга эгадир. Бу комиссияларнинг вазифалари, функциялари ва фаолият тартибини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети белгилаб беради.

Халқ хўжалиги тармоқларини ёки бошқарув соҳаларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган таклифлар тайёрлаш учун, Ўзбекистон ССР Ҳукумати қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қарорларнинг лойиҳалари юзасидан вужудга келган келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун, шунингдек Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ва унинг Президиумининг айрим топшириқларини бажариш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари тузилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига таклифлар киритиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

33-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг норматив характердаги ёки муҳим халқ хўжалик аҳамиятига ва умумий аҳамиятга эга бўлган қарорлари қарор шаклида чиқарилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг Қарорлар тўпламида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинади, бу қарорларни кўпчиликка кенг равишда ва дарҳол етказиш зарур бўлиб қолган тақдирда эса — улар оммавий ахборот воситалари орқали ҳаммага маълум қилинади.

Оператив масалалар ва бошқа жорий масалалар хусусидаги қарорлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фармойишлари шаклида эълон қилинади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорларига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудири имзо чекадилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фармойишларига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари имзо чекадилар.

34-м о д д а. **Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аппарати**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бўлимлар ва бошқа структуравий бўлинмалардан иборат Ишлар Мудирлиги Ўзбекистон ССР Министрлар Советида кўриб чиқиш учун масалалар тайёрловчи ҳамда Партия ва Ҳукумат қарорларининг бажарилишини систематик равишда текшириб туришни таъминловчи Ўзбекистон ССР Ҳукумати аппаратидир.

Ўзбекистон ССР Ҳукумати аппаратига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудири бошчилик қилада ва у белгиланган тартибда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киритилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар Мудирлиги тўғрисидаги Низом ва унинг структураси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1978 йил 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Тошкент шаҳар партия конференциясидан

— Тошкент қурувчилари резервларни ишга солиб, бинокорлик ишида техника-иқтисодий кўрсатгичларни тобора яхшиламоқдалар, плантопшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг тус олдирмоқдалар, — деди республикамиз пойтахти партия ташкилотининг конференциясида сўзга чиққан «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Набиев. — Мусобақада «Жилстрой», 159-трест, «Строймеханизация», «Ташинжстрой» трестлари, бошқа бир қатор меҳнат коллективлари олдинда бормоқдалар. Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат ва қурилиш интизомини мустаҳкамлаш бу коллективлар муваффақиятининг асосий омили бўлмоқда.

Шу билан бирга нотиқ Тошкент қурилиш ташкилотлари фаолиятида учраётган камчиликларни КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорлари, шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқдан келиб чиқадиган вазифалар асосида чуқур таҳлил қилиб берди. Чунончи, бинокорлар турар-жой ва мактабгача тарбия муассасалари қуриш планларини тўла ҳажмда уддалай олмадилар. Баъзи трестларда ишни ташкил этиш қониқарсиз аҳволда. Қурилишни комплектлаштиришда ҳам узилишлар рўй бермоқда. Натижада қурилиш бригадаларида Злобин методи асосида ишлашга оммавий равишда ўтиш, иш самарадорлигини оширишга тўғоноқ бўлиб турган нуқсонлар юз бераётир. Қурилишда ҳануз қўл меҳнати салмоғи катта ўрин тутмоқда. Бу меҳнат унумдорлигини кескин ошириш йўлида тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Пойтахт коммунистларининг анжуманида саноат, қурилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида, санъат ва маданиятни юксалтиришда, фанни тараққий эттиришда эришилаётган ютуқлар билан бирга ишдаги камчиликлар ҳам партиявий талабчанлик асосида чуқур таҳлил қилиб чиқилди. Докладчи — шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин ва конференцияда сўзга чиққан нотиқлар ҳисобот даврида шаҳар партия ташкилотларининг ҳанговаклик фаолияти ошганлиги, коммунистларнинг ҳар соҳада авангардлиги кучайганлигини алоҳида таъкидладилар. Пойтахт коммунистлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладлари ҳамда нутқларида илгари сурилаётган вазифаларни бажара бориб, меҳнатда, маданий қурилишда, ижтимоий ҳаётда ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш чуқурлаштирилмоқда. Саноат ишлаб чиқаришкинг техника даражаси ошмоқда. Унинг фан билан алоқаси мустаҳкамланмоқда. Ҳисобот даврида асосий ишлаб чиқариш фондларининг структураси сезиларли яхшиланди. Корхоналарни реконструкциялаш суръати жадаллашди. Шу йиллар ичида 1 миллиард 300 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилди.

Партия ташкилотлари хўжаликка раҳбарликнинг форма ва методларини такомиллаштириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун курашни кенг миқёсда олиб бордилар. Айниқса, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, агрегат, электрон техника, чинни, лак-бўёқ заводлари ва бошқа бир қатор корхоналарнинг партия ташкилотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш асосида маҳсулот ҳажмини оширишда ва унинг сифатини яхшилашда муайян натижаларга эришдилар. Ҳисобот даврида 5 мингдан зиёд янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Саноат маҳсулотлари ўсишининг 83,6 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот тайёрлаш ҳажми 2,5 марта ошди. Бу соҳада айниқса Куйбишев, Киров, Ленин район партия ташкилотлари нэчил ва самарали иш олиб бордилар. 37 коллективда маҳсулот сифатини бошқариш системасини жорий этиш ниҳоясига етказилмоқда.

Тошкент шаҳар партия конференциясидан

Ҳисобот даври социалистик мусобақа кенг қулоч ёйганлиги, оммавий тус олганлиги, унинг самарадорлиги голт ошганлиги билан характерланади. Ҳозир социалистик мусобақада 700 мингдан зиёд ишчи, қурувчи ва хизматчи қатнашмоқда. 55 мингдан зиёд меҳнатчи СССР Конституциясининг бир йиллигини ўнинчи беш йиллигининг 3-4 йиллик топшириғини бажариш билан нишонлади. Мингдан зиёд ишлаб чиқариш илғори беш йиллик шахсий топшириғини адо этди.

Саноат корхоналари ва қурилишда «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» ҳаракати кенг тус олди. Собир Раҳимов ва Октябрь районларининг меҳнат коллективлари икки йилдан буён қолоқларсиз меҳнат қилишмоқда. Йигирманчи декабрь куни шаҳар саноат коллективлари асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича зарбдор йил социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

— Корхонамиз коллективи ўн бир ойлик план-топшириғини муваффақиятли бажарди, — деди конференцияда сўзга чиққан «Ташсельмаш» заводининг токари Ю. Степаненко. — Пахтакорларимизга 25 мингдан зиёд терим машинаси, 40 миллион сўмлиқка яқин эҳтиёт қисмлар етказиб бердик. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари асосида қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш корхонамизда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчининг шонш шараф иши бўлиб қолди. Биз янги агрегатлар, шу жумладан ингичка толали, шунингдек, кенг қаторлаб экилган майдонларда пахта терадиган машиналарни, МТЗ-80Х қудратли тракторига ўрнатилган такомиллаштирилган терим машиналарини кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Бу машиналарнинг икки хилига олий Сифат тамғаси босилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар — Ленин, Ҳамза, Куйбишев район партия комитетлари биринчи секретарлари И. И. Федоринов, А. С. Икромов, Т. Э. Эргашев, «Миконд» ва трактор заводлари ишчилари Т. М. Богдашкина, Н. И. Лоскутова, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редактори С. М. Каро-матов ўртоқлар партиянинг қўйи звеноси мустаҳкамланаётганлиги, ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини бажаришда, ишлаб чиқариш резервларини ишга солишда, янги инсонни — коммунизм бунёдкорини камол топтиришда партия группалари, цех партия ташкилотларининг роли тобора ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Лекин конференцияда олға томон муваффақиятли ҳаракатимизга ҳалақит бераётган камчиликлар рўй-рост тилга олинди. Ҳамон эскича услубда иш юритаётган, фан-техника тараққиёти суръатлари билан ҳамқадам бўлмаётган баъзи раҳбарлар танқид қилинди. Йилига ўртача 12 корхона маҳсулот ҳажми планларини бажармаётир. Хисобот даврида 41 корхона беш йилликнинг уч йили учун мўлжалланган ўсиш суръатлари топшириғини уддалай олмади. Экскаватор, 2-темир-бетон буюмлари заводлари, баъзи бирлашмалар шулар жумласидандир. Тошкент тўқимачилик комбинати ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари бўйича орқада қолаётир.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми меҳнат коллективларининг куч-ғайратини ривожлантиришнинг интенсив омилларини ишга солишга, меҳнат унумдорлигини мутасил ошириб боришга, фан ютуқлари, илғор тажрибалар ни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга, корхоналарда механизациялаш ва автоматлаштиришни кенг тус олдиришга, кам сарф қилиб, кўпроқ, сифатлирок маҳсулот ишлаб чиқаришга сафарбар этиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шаҳар партия ташкилотлари ўз фаолиятларини ана шу юксак талаблар даражасида ташкил этишлари лозимлиги конференцияда сўзга чиққан делегатлар нутқининг асосий мазмунини ташкил этди.

Маълумки, сўнгги йилларда пойтахтимиз қиёфаси беқиёс ўзгарди. Фақат кейинги уч йилдагина 2 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилди. Кўплаб турар жой массивлари қурилмоқда. Мактаблар, шифохоналар, савдо ва маиший хизмат корхоналари фойдаланишга топширилмоқда. Қурилишнинг ишлаб чиқариш базаси кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Метрополитен қурувчилари иккинчи навбат линиясида ишни жадал давом эттирмоқдалар.

Лекин республика пойтахтини иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришнинг бош мақсадлари ва асосий йўналишлари нуқтаназаридан қарайдиган бўлсак, капитал қурилишнинг суръати ва, айниқса, сифатида кескин бурилиш ясаш кераклигини кўрамиз. Баъзи ҳолларда қурилиш планлари чуқур иқтисодий асословсиз, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини тўла ҳисобга олмасдан туриб тузилмоқда. Шуни айтиш кифояки, кўпинча ажратилган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилмаётир. Ишлаб чиқариш фондлари белгиланган муддатда ишга туширилмаётир. Бир қатор қурилиш трестлари ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар белгиланган планларни уддалай олмаётирлар. Партия ташкилотлари Тошкентни комплекс қуриш суръатлари ва сифатини яхшилаш ишини ҳамиша назорат остида тутишлари лозим.

Конференцияда транспорт, алоқа корхоналарининг ишидаги камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Партия ташкилотлари шаҳар транспортининг ҳамма турлари ишини тубдан яхшилашга қаратилган қўшимча тадбирлар белгилашлари лозимлиги алоҳида таъкидланди. Соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат, маданият ва маорифни ривожлантириш истиқболлари кўрсатилди.

Партия ташкилотлари тарбияга комплекс ёндашиб, янги инсонни камол топтиришда мактаблар, қўғ юртлари, маданият муассасалари, ижодий союзлар, меҳнат коллективлари ва оиланинг имкониятларидан кенг фойдаланмоқдалар. Оғзаки сиёсий агитация, лекция пропагандаси ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини яхшилашга, партия қарорларини амалга оширишга оммани актив сафарбар этишга хизмат қилмоқда. Шаҳар партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари асосида иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун курашни кучайтирмоқдалар. Экономикани ривожлантиришнинг интенсив омилларидан тобора тўла-тўкис фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Конференция шаҳар партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли топиб, тегишли резолюция қабул қилди. Шаҳар партия ташкилотининг раҳбар органлари сайланди.

Шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Ўртоқ У. У. Умаров шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, ўртоқ К. П. Дудин иккинчи секретари, Б. Ғ. Халилов, М. Ф. Солдатов ўртоқлар секретарлари қилиб сайландилар.

Ҳ. ИКРОМОВ,
Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ҲАҚИҚИЙ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН КУРАШ

НЬЮ-ЙОРКда БМТ Бош Ассамблеясининг XXXIII сессияси ўз ишини тамомлади. Уч ой давомида унинг комитетларида ва ялпи мажлисларида ҳозирги замоннинг энг зарур проблемалари юзасидан кескин мунозара ва ўткир кураш давом этди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядро уруши хавфини тугатиш учун қатъият ҳамда изчиллик билан курашдилар.

Ана шу куч-ғайратлар натижасида блокларга қўшилмаган мамлакатлар ва бошқа тинчликсевар давлатларнинг мадади билан Бош Ассамблея кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисидаги шартномани ҳамда ядро қуроли синовларини тўла-тўкис ва ёппасига тақиқлаш тўғрисидаги шартномани тезроқ тузиш зарурлигини қатъий қилиб айтди. Хозирги вақтда ўз территориясида ядро қуроли бўлмаган давлатлар территориясида ядро қуролини жойлаштирмаслик ҳақида Совет Иттифоқи шу сессияга тақдим этган таклиф ҳам маъқулланди.

Мунозара чоғида давом этаётган қуролланиш пойгаси ва айниқса одамларни оммавий равишда қиришнинг энг даҳшатли воситаси бўлмиш ядро қуроли қўпайиб бораётганлиги хусусида жуда ташвишланиб гапирилди. Сессияда қирғин қуроллари ишлаб чиқаришга жуда катта маблағ сарфланаётгани, инсониятнинг беҳисоб моддий ва ақлий ресурслари беҳуда ишлатилаётгани қайд этилди. Йил сайин бутун дунёда ҳарбий мақсадларга 400 миллиард доллар пул сарфланмоқда, 25 миллион кишига ҳарбий либос кийдирилган, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида уруш мақсадлари учун ишлаётган кишиларни ҳам ҳисобга олганда сал кам 60 миллион киши ҳарбий тайёргарлик соҳасига жалб этилганлиги маълум бўлади.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар сессияда қуролланиш пойгасини жиловлаш йўлида туб силжиш қилиш учун, ядро ҳалокати хавфини тугатиш учун амалий қадамлар қўйилиши учун курашганларнинг биринчи сафларида бўлдилар. «Қуролсизланиш пойгасини жиловлаш соҳасидаги совет таклифлари, деди БМТ Бош секретари К. Вальдхайм, қуролсизланиш проблемаларини ҳал этишда олға томон ҳаракат қилиш учун замин яратади».

Башарти иккинчи томон қурол-яроққа ишониб иш тута берар экан, қуролсизланиш соҳасидаги ҳатто энг яхши резолюциялар ҳам наф бермайди. Ҳолбуки, НАТО мамлакатларида ана шундай қилинмоқда, улар қуроллароғларни кўпайтиришнинг қўшимча программасини мақуллаб, бу программани амалга оширишга илгари планлаштириб қўйилган маблағдан ташқари яна 80 миллиард доллар пул ажратилди.

Шундай бир шароитда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг «куроллароғларни ҳар қандай кўпайтиришга йўл қўймаслик» тўғрисида сафсата сотаётган кишилар шаънига айтган жиддий огоҳлантириши ҳар қачонгидан ҳам актуал янграмоқда. «Ўз-ўзидан равшанки, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев шу йил 5 декабрь куни, — башарти социализм мамлакатлари бир томонлама қуролсизланиш йўлига ўтсалар, империалистларнинг ўзлари орзиқиб кутган устунлик кучи позициясига эришишларига имкон берган бўлур эдилар, бу эса тинчликка яхши хизмат бўлмас эди».

ҚОРА ОЛТИН ҚИММАТЛАШМОҚДА

Нефтни кўпданқ қора олтин деб атайдилар. Бир вақтлар нефтни қазиб чиқариш ва сотиш батамом кичик бир гуруҳ капиталистик монополиялар, асосан Америка монополиялари қўлида эди, ўшанда у пўлат сандиқларга салмоқли олтин қуйма бўлиб тушар эди. Америка империализми ўзининг индустриал қудратини кўп жиҳатдан ана шу арзон нефть эвазига вужудга келтириб олди. Шуни айтиш кифоя қиладики, ҳатто ҳозир ҳам бутун дунёда қазиб олинаётган нефтнинг 40 процентдан кўпроғи Қўшма Штатларда ишлатилмоқда.

Ғарбда еттита бош нефть монополиясини «етти огайни» деб атайдилар. Ҳозир ҳам ана шу «етти огайни» нефть бизнесида ҳукмронлик қилмоқда. Аммо «огайнилар» энди бир оз қисилиб қолишди. Нефть қазиб чиқарувчи мамлакатларнинг кўпчилиги бу ишни ўз қўлларига олиб, ОПЕК деб аталган ўз ташкилотларига бирлашдилар ҳамда нефть нархини ўзлари белгилай бошладилар. Вашингтондагилар ва бошқа Ғарб пойтахтидагилар бунга тиш-тирноғи билан қарши ҳаракат қила бошладилар.

Яқинда ОПЕКнинг Бирлашган араб амирликлари пойтахти Абду-Дабида бўлиб ўтган навбатдаги конференциясида нефть экспорт қилувчи 13 давлат 1979 йил давомида нефть нархини 14,5 процент оширишга қарор қилдилар. Улар шу қарорнинг сабабларини изоҳлаб, кейинги икки йил мобайнида нефть нархи «бир маромда» сақланган бир пайтда нефть учун ҳисоб-китоб қилишдаги асосий валюта бўлиб хизмат қилувчи долларнинг қадри ўрта ҳисобда 20 процент пасайганини айтдилар. Бундан ташқари нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар сотиб оладиган саноат молларининг нархлари шу давр ичида йилига 8—10 процентдан кўтарилиб борди. Натижада ОПЕК мамлакатлари салкам 27 миллиард доллар зарар кўрди.

Нефть нархини ошириш тўғрисида Абду-Дабида мақулланган қарор ана шу зарарнинг атиги бир қисмини қоплаш имконини беради, ҳатто ана шундай чекланган қарор ҳам Вашингтонни дарғазаб қилди, шу сабабли у бу қарорга йўл қўймаслик учун қўлидан келган ҳамма чорани кўрди. ОПЕК кенгаши арафасида нефть қазиб чиқарувчи асосий мамлакатларга АҚШ молия министри М. Блюменталь билан Америка сенатидаги демократик кўпчилик раҳбари Р. Бэрд юборилди. Бу «қўл қайириш» етмаганидек, АҚШ президенти Ж. Картер ўша мамлакатларга қараб «нефть нархини ошириш мақбул эмаслиги» тўғрисида ошкора «огоҳлантириб» қўйда.

ОПЕК мамлакатлари ривожланган капиталистик давлатлар билан хом ашё ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли бўлмаган характерини сақлаб қолишга қаратилган ана шу ошкора уринишга каттиқ зарба бериб, шу тариқа ўз мустақилликларини каттиқ туриб ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга қарор берганликларини намойиш қилдилар.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

РАСМИЙ АХБОРОТ

ЕРДАМЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишчи ва хизматчиларнинг умумий овқатланишини яхшилаш мақсадида саноат, транспорт корхоналари ва бошқа корхоналарнинг, ташкилотлар ва муассасаларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш ҳамда уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга муҳим аҳамият бериб, «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қабул қилинган қарорда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига, маҳаллий партия ва совет органларига ёрдамчи қишлоқ хўжаликларидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиш ва уларни янада ривожлантириш борасида зарур тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Министрликлар ва идораларга айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш қийин бўлган олис жойлардаги, шунингдек қишлоқ хўжалиги ҳали унча ривож топмаган янгидан ўзлаштирилаётган районлардаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳузурида ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ташкил қилиш таклиф этилди. Хўжаликларга давлат ер запасидан ҳамда давлат ўрмон фондидан, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерлардан ҳамда саноат, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларининг еридан белгиланган тартибда участкалар берилиши керак.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Тайёрлаш министрлиги ҳамда СССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети ёрдамчи қишлоқ хўжаликларининг сортли уруғликлар, кўчат ва зотли ёш молларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш, шунингдек уларга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ ветеринария хизмати ва бошқа хил хизматлар кўрсатишни яхшилаш чораларини кўришлари керак. Бу хўжаликлар колхоз ва совхозлар учун белгиланган тартибда қишлоқ хўжалик машина-ускуналари ва запас қисмлар билан таъминланиб турилади.

СССР Қурилиш банкига ва СССР Давлат банкига ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника базасини кенгайтириш харажатлари учун олти йилгача муддатга қарз бериб туришга рухсат этилди.

Хўжаликнинг рентабеллигини ошириш ҳамда уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида ишчилар таъминоти бўлимлари ва ишчилар таъминоти бошқармаларининг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларидан ҳамда саноат ва транспорт корхоналарига ва қурилиш-монтаж ташкилотларига бевосита бўйсунувчи хўжаликлардан корхоналар ва ташкилотларнинг ошхоналарида умумий овқатланиш учун қорамол, чўчқа, қўй, эчки ва бошқа ҳайвон ва парранда гўшти, шунингдек сут маҳсулоти харид нархларида берилиши қарорда кўзда тутилган; шу мақсадлар учун картошка ва сабзавот бериш шартлари ҳам белгиланган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишчи ва хизматчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида ёрдамчи қишлоқ хўжаликларида гўшт, сут, картошка, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун ишкилий ишларни кучайтириш ва мавжуд ҳамма ресурслардан фойдаланиш зарурлигига корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар партия ва касаба союз ташкилотларининг эътиборини жалб қилди.

ҚОРАКЎЛЧИЛИК САНОАТ НЕГИЗИГА ЎТКАЗИЛСИН

СССР ҳукумати қоракўлчиликни янада ривожлантириш ва уни саноат негизига ўтказиш тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди.

Қарорда айтилади, қоракўлчиликни ривожлантиришда эришилган даража саноатнинг тегишли хом ашё турларига бўлган эҳтиёжларини ҳали тўла-тўкис қондиролмаяпти. Қоракўл қўйларининг туёғини кўпайтириш суръатлари етарли эмас. Қоракўлчилик эҳтиёжлари учун озуқа базасини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаяпти.

Шу муносабат билан ривожланган қоракўлчиликка эга бўлган иттифоқдош республикаларинг Министрлар Советлари ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги қоракўл қўйлар туёғини кўпайтириш, зотини ва маҳсулий сифатларини яхшилаш, қоракўлчилик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ва наслчилик ишлари самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашни жорий этиш, шу тармоқни ихтисослаштириши чуқурлаштириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини кўришлари керак. Қоракўлчилик хўжаликларида зарур ишлаб чиқариш биноларини, шунингдек ана шу хўжаликлардаги ходимлар учун уйжойлар ва маданий-маиший объектлар қуриш чораларини кўриш ҳам таклиф этилди.

Қарорда қоракўл тери харид этиш, шу жумладан, қоракўлча терисини харид этиш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек қоракўл тери хилларини яхшилаш ва сифатини ошириш юзасидан тегишли иттифоқдош республикаларга топшириқлар белгиланди. Суғориладиган деҳқончилик зонасида ем-хашак етиштирувчи ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этиш йўли билан қоракўлчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек бракка чиқазилган қоракўл совлиқларидан қоракўлча олиш мақсадида уларни боқиш учун хўжаликлараро комплекслар (механизациялаштирилган майдонлар) ташкил этиш чоралари белгиланди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан келишиб олган ҳолда совхозлар ва бошқа давлат хўжаликларида меҳнатга натура билан ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларини аниқлаб олишлари, бунда ишчи ва хизматчиларнинг қўйлар туёғини кўпайтиришдан ҳамда зарур хилдаги ва юқори сифатли қоракўл тери етиштиришдан моддий манфаатдорлигини кўзда тутишлари керак.

Қоракўлчиликни ривожлантиришни бошқаришни яхшилаш учун СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳузурида Бутуниттифоқ қоракўлчилик бирлашмасини тузишга қарор қилинди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА БЎЛАЖАК САЙЛОВ ОЛДИДАН

Совет кишилари СССР Олий Советига бўлажак сайловга сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ўсган бир вазиятда тайёргарлик кўрмоқдалар. Сайлов 1979 йил 4 март куни ўтказилади.

Сайловга тайёргарлик — катта ва масъулиятли сиёсий кампания. Партия ташкилотлари, идеология иши билан шуғулланаётган активлар дастлабки кунлардан бошлабоқ сайловга тайёргарлик ишлари билан жиддий шуғулланишлари, ғоявий-тарбиявий ишларни кенг авж олдириб юборишлари, партия сўзини ҳар бир сайловчининг онгига етказишлари лозим.

Лекция ва суҳбатларда КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, Ватанимизнинг тарихий ютуқларини, СССР янги Конституциясининг мазмунини, социалистик демократиянинг буюк ғояларини, партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифалар қандай бажарилаётганлигини ёрқин, ишонарли тарзда тушунтириб бериш зарур.

Лекторлар, докладчилар, сиёсий ахборотчилар ва агитаторларга ёрдам тариқасида СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик муносабати билан ўқиладиган лекция ва докладларнинг ҳамда ўтказиладиган суҳбатларнинг намунавий тематикаси эълон қилинади.

В. И. Ленин социалистик демократия тўғрисида.

КПСС XXV съезди социалистик демократияни янада ривожлантириш ҳақида.

КПСС — совет жамиятининг раҳбар ва сафарбар этувчи кучи.

СССР Конституцияси — ҳаётимизнинг Асосий Қонуни.

СССРда бутун ҳокимият халқникидир.

Ҳамма нарса халқ бахт-саодати учун, ҳамма нарса халқ учун — партиямизнинг олий қонуни.

Халқ депутатлари советлари — СССРнинг сиёсий негизи.

СССР — умумхалқ социалистик давлати.

Социалистик жамиятни ривожлантириш — коммунизм йўлидаги қонуний босқичдир.

Коммунистлар билан партиясизлар блоки — партия билан халқ монолит бирлигининг ёрқин ифодеси.

СССР Олий Совети — давлат ҳокимиятининг олий органи.

Совет сайлов системаси.

СССР Олий Советига сайлов тўғрисида қонун.

Депутат — халқнинг ишончли вакили.

Сайловчиларнинг наказларини бажариш — Советлар ва депутатлар ишининг муҳим қисми.

Совет гражданларининг буюк ҳуқуқлари ва эркинликлари.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари байроғи — социализм байроғи.

Совет кишиси ҳуқуқлари, эркинликлари ва вазифаларининг бирлиги.

Социалистик демократияни янада ривожлантиришда меҳнат коллективларининг роли.

Социалистик қонунчилик — давлат органлари фаолиятининг негизи.

Социалистик демократиянинг буржуа демократиясига нисбатан туб афзалликлари.

Буржуа сайлов системасининг иллатлари ва риёкорлиги.

Капитализм — истиқболсиз жамият.

Совет халқи — ғолиб халқ, бунёдкор халқ!

Совет кишиларининг ватанпарварлиги ва интернационализми.

Ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг мустаҳкам иттифоқи — СССРнинг социал негизи.

Коммунизм қурилишида ишчилар синфининг етакчи роли.

Колхозчи деҳқонлар — коммунизмнинг актив қурувчилари.

Совет зиёлиларининг коммунизм қурилишига қўшаётган ҳиссаси.

Совет касаба союзлари — жамиятимизнинг таъсирчан кучи.

Ленин комсомоли — КПССнинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви.

Совет хотин-қизлари — коммунизмнинг актив биноқорлари.

СССР граждани бўлиш — юксак шараф ва катта масъулиятдир.

Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси.

Совет халқларининг тенглиги, қардошлиги ва мустаҳкам бирлиги.

Ватан фанининг буюк муваффақиятлари.

Совет космонавтикасининг янги ғалабалари.

Совет адабиёти ва санъатининг ютуқлари.

Давлат оммаининг онглилиги билан кучли.

Ҳар бир совет кишиси ғоявий эътиқоди бўлсин, ҳаётда актив позицияда турсин.

Бизнинг совет турмуш тарзимиз.

Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси.

Ҳозирги босқичда партиянинг иқтисодий стратегияси.

Социалистик мулк — СССР иқтисодий системасининг негизи.

Совет беш йилликларининг ғолибона эстафетаси.

Қўриқнинг ўзлаштирилиши — партия билан халқнинг буюк жасорати.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қўшаётган ҳиссамиз.

КПСС ва жаҳон революцион жараёни.

СССРнинг тинчлик, тўла ва батамом қуролсизланиш учун кураши.

Социалистик ҳамдўстлик бирлиги ва жипслигининг янада мустаҳкамланиши.

СССРнинг қаҳрамонона Қуролли Қучлари — социализм ва тинчлик посбонлари.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир совет кишисининг муқаддас бурчи.

Социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини янада кенг авж олдирайлик!

Интизомни мустаҳкамлайлик, уюшқоқликни ва коллектив иши учун масъулиятни оширайлик.

Қолоқларсиз ишлаш — бизнинг ватанпарварлик бурчимиз.

Ҳар бир иш жойида самарадорлик ва сифат бўлсин.

Ишлаб чиқаришнинг ҳамма резервларини беш йилликка хизмат қилдирайлик.

Тартиб бузилиши ҳали ҳам рўй бераётган жойларда тегишли тартиб ўрнатайлик.

Танқид ва ўз-ўзини танқид — жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи.

Юксак маданият ва намунали тартиб учун ҳаракатни авж олдирайлик.

Бир маромда, ишлаб чиқаришга путур етказмай ишлаш — ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнатчининг вазифаси.

Металл, ёқилғи, электр энергияси, барча моддий ресурсларни қатъий тежаш учун курашни авж олдирайлик.

Чорва қишлонни намунали ўтказамиз.

Кўкламги экишга жуда яхши тайёргарлик кўрамиз.

Табиатни муҳофаза қилиш — ҳар бир кишининг иши.

Юксак савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маданияти учун курашайлик.

Халқ истеъмол моллари юқори сифатли бўлсин.

1979 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантирайлик!

Шахсий беш йиллик топшириқларини В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бажарайлик!

Беш йиллик гвардиячиларининг тажрибаси — ҳаммага.

Бутун куч ўнинчи беш йиллик планни муваффақиятли бажаришга қаратилсин!

СССР Олий Советига сайловни меҳнатда ва ўқишда янгидан-янги ютуқлар билан нишонлаймиз.

Коммунизм йўлида янги зафарлар сари!

«МАОИЗМ—ХИТОЙ ФОЖИАСИ» ФИЛЬМИ

21 декабрь куни Марказий телевидение орқали кўрсатилган янги ҳужжатли фильм «Маоизм — Хитой фожиаси» деб аталади. Бу ўткир публицистик лента Хитой халқи учун дог бўлиб қолган реакцион таълимот ва сиёсий система бўлмиш маоизмни фош қилади.

Кино ва фотоҳужжатлар кадрлари маоизмнинг Хитойга нима келтирганини — халқ революцияси ғалабаларини поймол этганини, террор ва бедодликни авж олдирганини, уқубатли ва қашшоқ ҳаётга дучор этганини кўрсатади.

Мао Цзэ-дун ўлганидан бери орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай Хитой фожиаси давом этмоқда. Ўзаро кураш натижасида ҳокимиятни қўлга олган Мао ворислари унинг изидан бормоқдалар.

Ҳозирги Хитой раҳбарларининг маоизм милитаристик, авантюристик ақидаларига асосланган буюк давлатчилик ташқи сиёсий йўлининг хатарли моҳиятини фош этувчи фильм кадрлари кишини ташвишга солади.

Янги фильм ўз тарихининг энг машаққатли даврини бошдан кечираётган Хитой халқига нисбатан чуқур хайрихоҳлик руҳи билан суғорилган. Шу билан бирга у: «Хитойнинг фожиаси инсониятнинг фожиасига айланишига йўл қўйиб бўлмайди», деб огоҳлантиради.

Картинани — журналист Гао Лин-вэй ва режиссер Алексей Габриловичлар яратишган.

(ТАСС мухбири).
Москва.

«ТУ-154»НИНГ ФАРҒОНАГА ПАРВОЗИ

ФАРҒОНА. («**Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири**). 22 декабрь куни ғўзал водий шаҳрининг аэропортига «ТУ-154» самолети келиб қўнди. Шу муносабат билан экипаж аъзоларини область ва шаҳар партия, совет ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари қизғин кутиб олдилар.

Яқиндагина Қарши билан Урганча техник учиш қилиниб, бу ерлардаги аэродромлар ва учиш майдонларининг яхши реконструкция қилинганлиги қайд этилган эди. Бугун эса бу область марказларидан кейин учинчи бўлиб Фарғонага «ТУ-154» пассажир самолетининг техник учиши синовдан ўтказилди.

Турбовинтли лайнерни биринчи класс учувчи Виктор Иванович Самостроков командир бўлган учувчилар экипажи бошқариб келди. Тошкент билан Фарғона ўртасидаги 320 километр масофа атиги ўттиз минутда босиб ўтилди. Кейинчалик бу миқдор яна қисқартирилади.

160 пассажирни сиғдира оладиган бу самолёт 8 минг метрга ҳаво баландликка кўтарилиб, соатига қариб минг километр тезликда учади. Самолётда ёнингиздаги ҳамроҳингиз билан бемалол гурунглашасиз, газета ва журналларни бемалол ўқиб, хат ҳам ёза оласиз.

Техник учиш натижаси Фарғона аэропорти бундай кучли самолётларни қийинчиликларсиз қабул қилиб олиши мумкинлигини кўрсатди. Тошкент—Фарғона трассаси бўйича қатнайдиган «ТУ-154» самолётининг рейси ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилининг январь ойидан бошланади.

Республикамиз учувчилари ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилини кўнгилдагидек якунлашмоқдалар. Пассажирлар ташиш ўн бир ойлик плани ошиғи билан адо этилди. Почта жўнатиш плани 103,3, транспорт юклари ташиш плани эса 109,8 процент бажарилди. Бу йил Андижон, Қўқон, Навоий шаҳарларида барча қулайликларга эга бўлган агентлик бинолари қурилди. Наманган, Термизда янги аэровокзаллар қурилиши тамомланиш арафасида турибди.

Серқуёш ўлкамиз авиаторлари турбовинтли самолётларни бошқаришни жуда яхши ўзлаштириб олдилар. Шу йилнинг ёзидан бошлаб бундай лайнерлар Тошкентни курорт шаҳарлар— Сочи, Симферополь, Одесса билан боғлади. Янги йилнинг биринчи апрелидан бошлаб Қарши, Урганч, Москва, Минводи, Симферополь —Тошкент маршрутлари бўйича янги линиялар очилади.

Бугунги техник учишга Москва шаҳридан келган учувчи мутахассислар ҳам «ТУ-154» самолётининг аъло даражадаги машина эканлигини мамнуният билан таъкидлашмоқда.

Самолётга ўз ишининг моҳир устаси Тамара Максимовна Боярская стюардесса қилиб тайинланган. Тамара мана 18 йилдан бери аэропортда ишлаб келади. Ўзининг билим савиясини тинмай оширяётган бу ҳушмуомала аёл республикамиз ва бошқа шаҳарларнинг тарихига доир кўпгина материалларни қунт билан ўқиб ўрганади. Шунинг учун бўлса керак, бугунги навбатчилигида ҳам пассажирлар билан мутахассислари Фарғона водийсининг тарихи, бугуни ва келажаги тўғрисида батафсил маълумотлар билан таништириб борди.

Янги йилдан бошлаб очиладиган трассалар бўйлаб пассажирлар ташийдиган авиаторларимизга катта муваффақиятлар тилаймиз.

Т. УНАБОЕВ.

Тошкент — Фарғона — Тошкент.

* * *

Суратда: Тошкент — Фарғона, Фарғона — Тошкент маршрути бўйлаб техник учишни моҳирлик билан олиб борган «ТУ-154» самолёти экипажининг аъзолари.

А. Авазов фотоси (ЎзТАГ).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

25—31 ДЕКАБРЬ

25 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 —Гимнастика. 10.00 — Мультфильмлар. 10.30 — «Ўтган йилги кадриль». Бадиий фильм. 11.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Меҳнатнинг иқболинг». 16.25 — Халқ оҳанглари. 16.40 — «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 17.00—«Сиз яратган боғ». 17.30 — С. Потанина чалади. 12.45— Тўпли хоккей. «Динамо» (О)— «Динамо» (М). 18.30 — «Учинчи йил —зарбдор йил». 19.30 — «Кор ҳамалаги». Концерт. 20.05 — Москва бадиий академик театрининг 80 йиллигига. «Донишмайднинг соддя бўлгани яхши». Фильм-спектакль. 21.30 — «Вақт». 22.05— Фильм-спектаклнинг давоми. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.20 — Ўқув кўрсатуви. 10.40 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — Табиатшунослик. 18.00 — Фильм-концерт. 18.15 —Ўсмирлар учун кўрсатув. 18.45— «Фан» программаси. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Театр учрашувлари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Фильм-концертлар. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Замон назму навоси». Туроб Тўла туғилган кунининг 60 йиллигига.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Хоккей: «Винокор» — СКА (К). 21.15 — Ҳужжатли фильм.

26 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00—«Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Телеспектакль. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 16.35 — «Кодомен оғир машинасозлик заводи» (очерк). 17.05 — Чанғи спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 17.55 — «Ёшлар адреслари». 19.00 — «Ўйнаб қўшиқ айтамиз». 19.15 — «Оламда нима гап». 19.30 — «С. Рахманинов романси». Телефильм. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — «Пазандалар конкурсга келишди». Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Балет ҳақида». 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — «Биз сенинг содиқ ўринбосарингмиз, комсомол». 18.30 — «Миллионлар ленинча университети». 18.50 — «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Кино оламида». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Чорвачилик —зарбдор фронт». 22.35 — «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм, 1-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Қизиқарли математика. 19.30 — «Қизил альпинистлар». Бадиий фильм. 10-11-сериялар. 20.20 — «Ўқитувчи экрани». 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — «Тошкент» телепрограммаси. 21.40 — Ҳужжатли фильм.

27 ДЕКАБРЬ ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.00 — «Пазандалар конкурсга келишди». Бадиий фильм. 11.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Қишлоқ ишлар ва муаммолар». 16.25— Чанғи спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 17.40 — «Горичилар, ҳаердасиз!». 18.10 — «Атоммаш: биринчи навбат ишга туширилди». Телеочерк. 18.40 — «Кинотомошабин ҳамроҳи». 19.15 — «Оламда нима гап?» 19.30 — «Ягона қардошлик онласида». 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Қадимий рус водевиллари кечаси». 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Мультфильм. 18.15— «Ҳаёт каби тирик». 18.45 — «Халқ контроли экрани». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Зулфия. «Сўроқлайди шоирни шеърим». 19.45 — Фильм-концерт. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «Дўстлик экрани». 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм, 2-серия. 23.15 — Баскетбол. «Университет». (Т). — «Светлана» (Л).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Ўқув кўрсатуви. 19.30 — «Қизил альпинистлар». Бадиий фильм, 12-13-сериялар. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Реклама. 21.25 — «Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг!»

28 ДЕКАБРЬ ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 —Гимнастика. 10.00 — «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». 10.45 — «Жаҳон халқларининг ижоди». 11.10 — «Киносаёҳатчилар клуби». 12.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — «Шахмат мактаби». 16.20 — Рус тили. 16.50 — Чанғи спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 17.35 — Ҳужжатли фильм. 17.45 — «Ўрлёнок». 18.30 — «Фан оламида». 19.00 —«Расмларда қуёш акси бор». 19.15 — «Оламда нима гап?» 19.30 — «Миллиондар лениниа университети». 20.00 — «Рақсга таклиф». 20.10 —Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кўрсатув. 12.00 — Шеърият мухлисларига. 12.20 — «Аёз». Бадиий фильм. 13.25 — «Ёшлик». 18.00 — «Моҳир қўллар». 18.25 — «Ёшлик». 18.55 — «Оқ олтин»га — олий сифат». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Совриндларимиз — энг яхши механизаторларга». 20.30— «Ахборот». 20.50 — «Одамлар заминда галла ўстирдилар, замин одамларни камол топтирди». Ёзувчи Одил Ёқубов сўзи. 21.05 — Кечки концерт. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Кўчатлар». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Бахт қулиб боққанда». Кинокомедия. 20.25 — «Шаҳзода ва Золушка». Фильм-балет. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — «Тошкент» телепрограммаси. 21.40 — Ҳужжатли фильм.

29 ДЕКАБРЬ ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.00 — «Қизил шапкача ҳақида». Бадиий фильм, 1-2 сериялар. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 17.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 15.55 — Концерт. 16.25 — «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 16.55 — Чанғи спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 18.00 — «Москва ва москваликлар». 18.30 — «Қувноқ болалар». 18.45 —«Биз БАМ қурямиз». 19.15 — «Оламда нима гап?» 19.30 — Концерт. 20.00 — «Парвойфалак». Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Қувноқ болалар». Телеконкурс. 23.35 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

1.30 — Концерт. 12.05 — «Лёзобо». Бадиий фильм. 18.00 — «Ёшлик». 18.25 — «Тежамкорлик — коммунистик хислат». 18.40 — «Инсон болаликдан бошланади». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Оламга саёҳат». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Болажон қиз». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Қордан қоргача». Бадиий фильм. 20.30 — Илмий-оммабоп программа. 21.00 — Янгиликлар. 21.20 — «Бизнинг бош мухбиримиздан». 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.05 —Концерт.

30 ДЕКАБРЬ ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Болалар учун Янги йил томошалари. 10.35— «Ота-оналар, сизлар учун». 11.05 — «Тонгги почта». 11.35 — «Оламда нима гап?» 11.50 — Ҳужжатли фильм. 12.40 — «Ватан ҳақида қўшиқлар». 13.20 — «Здоровье». 14.05 — «Мўъжизаларни кутиб». Бадиий фильм. 15.15 — «Спортлото». 15.30 — «Инсон. Ер. Коинот». 16.15 — «Коппелия». Спектакль. 18.15 — «Ҳайвонот оламида». 19.35 — «1978 йилни қизатиб». 20.20 — «13 стул». 21.30 — «Вақт». 22.05 —«Дўстлар учрашуви». 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Концерт. 11.20 — «Иван ва Марья». Бадиий фильм. 12.45 —«Биз қувноқ ва шодон яшаймиз». 13.15 — «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ». Телеэтап. 14.10 — «Оналар мактаби». 14.40 — Кинокўрсатув. 17.35 — Болалар учун фильм. 18.00 — «До-ре-ми-фа-соль». 18.40 — «Вуюк зафарлар йили». 18.55 — «Оила гурунги». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Шермат Файзуллаев концерти. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Верийск кварталининг оҳанглари». Кинокомедия.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.05 — Душанба кўрсатувлари.

31 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — «Заряднага сафланинг.» 10.00 — «Будильник.» 10.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан.» 11.30 — «Джельсоминонинг сеҳрли овози». Бадиий фильм, 1-серия. 13.00 — Янгиликлар. 14.00 — «Музиқали киоск». 14.35 — «1978 йил спорти». 15.30 — Концерт. 16.15 — Мультфилм. 16.50 — «Киносаёҳатчилар клуби». 17.50 — «Кўғирчоқ театри». 18.55 — «31 июнь». Бадиий фильм, 1-серия. 20.05 — «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 20.20 — «31 июнь». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — «Вақт». 22.05 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 22.45 — Фильм-концерт. 23.45 —«Цирк майдонида». 00.40 — Ҳужжатли фильм. 00.50 —«Янги йилингиз муборак бўлсин, ўртоқлар!». Совет халқига табрик. 01.05 — «Голубой огонёк». 04.00 —«Куй ва оҳанглар».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10. 00 —Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.35 — «Чиполино». Бадиий фильм. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — «Қизлар давраси». 14.00 — Янги йил мушоираси. 14.40 — Фильм-концерт. 17.35 — Болалар учун кўрсатув. 18.05 — «Катта аттракцион». Бадиий фильм. 19.15—«Ахборот». 19.30 — Концерт. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «Қўшиқлар». Телеминиатюралар. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Янги йил базми». 23.45 — Янги йил табриги. 00.05 — «Янги йил базми» (давоми).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

15.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/XII да **Этик ийгган мушук** (12.00), **Бир актли балетлар** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XII да **Келинлар қўзғолони** (12.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —24/XII да **Зебо-зебона** (премьера), 25/XII да **Кўнгли ёш қариялар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«УРГАТИЛГАН ШЕРЛАР» АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (12, 16, 19.30).

●

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

24, 28 декабрь соат 19.30 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ТУРОБ ТЎЛА асари ИКРОМ АКБАРОВ музикаси

«ЗЕБО-ЗЕБОНА»

(Икки парда, етти кўринишли музикали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ.

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. ХАЛИЛОВ.

Рассом — А. ЖИБОЕДОВ.

Режиссёр— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. ПУЛАТОВ.

Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.

Концертмейстер — М. ФУРМАН.

Режиссёр ассистенти — Р. МУҲИДДИНОВА.

Спектакль шоир ва драматург ТУРОБ ТЎЛАнинг олтмиш йиллигига бағишланади.

●

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ СИРТҚИ БЎЛИМ СТУДЕНТЛАРИГА

1979 йил 1—11 январь кунлари ҲАММА ФАКУЛЬТЕТЛАРДА ҚИШКИ ЎҚУВ-ИМТИҲОН СЕССИЯСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ БИЛДИРАДИ

●

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1979 йилда «ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ» РАДИО-ТЕЛЕВИЗИОН ПРОГРАММА

фақат «СОЮЗПЕЧАТЬ» магазинлари ва киосклари да, ҳар бир алоқа бўлимида СОТИЛАДИ

ПРОГРАММАНИНГ 1979 ЙИЛГИ БИРИНЧИ СОНИ ШУ ЙИЛ 28 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА КУНИ ЧИҚАДИ.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

●

ДАЛЬВАРЗИН РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ

ЭО-2621, ЭО-1514 экскаваторлари, Д-50 ва Д-60 двигателларини КАПИТАЛ РЕМОНТГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ремонт муддати — 40 кун.

Капитал ремонт учун прейскурант бўйича ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бекобод райони, 1-Дальварзин пахтачилик совхози.

А. Н. Островский номли Тошкент театр-рассомлик санъати институти ректорати ва жамоат ташкилотлари институт кекса педагогларидан бири, таниқли олим ва театр танқидчиси

Яков Соломонович ФЕЛЬДМАНнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг инженер-физика факультети колдективи «Радиоэлектроника асослари» кафедрасининг катта ўқитувчиси Т. С. Тошниёзова отаси

Сафар ТОШНИЁЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги министрлик умумий овқатланиш бошқармасининг собиқ бошлиғи

Ғулом ШОМИРЗАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ХОККЕИ:

БОШ СОВРИН МАЙДОН ЭГАЛАРИДА

«Известия» газетаси соврини учун ўтказилган анъанавий халқаро турнир мусобақалари ниҳоясига етди. Йил сайин оммалашиб бораётган совриндорлик баҳси ёш сафар ҳам қизғин ва ҳаяжонли курашларга бой бўлди. Жаҳоннинг энг кучли командалари бош совринни қўлга киритиш учун ҳужумкорликка зўр бердилар. Учинчи совриндор ўрин эгаси мусобақа тугашидан бир кун илгари маълум бўлди. Канадаликлар уч очко билан совриндор бўлишди. Қолган ўринлар эса сўнгги ҳал қилувчи учрашувларда аниқланди. Чунончи Швеция — Финляндия (4:1) учрашувидан кейин фин хоккейчилари ягона очко билан охирги ўринга тушиб қолдилар. Бош соврин учун СССР ва ЧССР хоккейчилари астойдил курашдилар. Учрашувнинг дастлабки икки даврасида ЧССР командаси майдон эгалари дарвозасига иккита шайба киритишга муваффақ бўлдилар. Ҳал қилувчи даврада эса ҳужумкорликка зўр берган хоккейчиларимиз 3:1 ҳисобида муваффақият қозондилар. Шундай қилиб умумий ҳисоб 3:3 бўлди. Еттитадан очко тўплаган бу командалар ўрни шайбалар нисбатига кўра аниқланди. Шу тариқа совет хоккейчилари бош совринни қўлга киритдилар. Якуний ўйинлар жадвали қуйидагича манзара олди.

	Ю	Д	М	Ш	О
СССР	3	1	0	22-7	7
ЧССР	3	1	0	18-11	7
Канада	1	1	2	12-18	3
Швеция	1	0	3	9-18	2
Финляндия	0	1	3	9-16	1

Редакция почтасидан

ЭЪТИБОР КЕРАК

Автомотоҳаваскорларнинг область жамиятлари қошидаги мактабларда ва курсларда кўплаб автомобиль ва мотоцикл ҳайдовчилари тайёрланмоқда. Бошланғич ташкилотларнинг активлари аҳоли ва ўқувчилар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини пропаганда қилмоқдалар. Ихтисослаштирилган халқ дружиналарининг аъзолари давлат автоинспекцияси ходимлари билан биргаликда автомобиль йўлларида назбатчилик қилмоқдалар. Хуллас, автомотоҳаваскорлар жамияти қайдовчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш ва аварияларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шунга қарамай Жиззах областида автомотоҳаваскорлар жамиятининг самарали иш олиб бориши учун яхши шароит яратиб берилмаган. Жамиятнинг область ва шаҳар советлари кечки мактабнинг кичкинагина хонасида жойлашган. Мактаб маъмурияти эса хонани бўшатиб беришни талаб қилмоқда. Жиззах шаҳар Совети ижроия комитети эса область ижроия комитетининг жамият учун бино ажратиб бериш тўғрисидаги қарорини 1975 йилдан буён бажармай келмоқда.

Винолар, гаражлар, автомобилларни қўядиган жойлар йўқлиги сабабли жамиятнинг техника воситалари ходимларнинг уйларида сақланмоқда Ҳатто ҳайдовчилар тайёрлайдиган курслар ҳам бино билан таъминланмаган. Жиззах область Совети ижроия комитети автомобиль ва мотоцикл ҳаваскорлари жамияти эҳтиёжларига алоҳида эътибор берса, яхши бўларди.

А. КОВАЛЁВ,
Ўзбекистон ССР автомотоҳаваскорлари жамияти республика марказий советининг бош инженери.

ҲАЛОЛЛИК

Андижон область соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 1-касалхона шофёри Тоҳиржон Мадумаров меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги ва бошқа инсоний фазилатлари билан коллектив ҳурматини козонган. У сменасини тугатиб, гаражга қайтаётганида йўлда бир йўловчи машинасини тўхтатиб, шошилинч иш билан уйига кетаётгани, унинг ҳамкасби шофёр экани, малол келмаса Тожик қишлоғига элтиб қўйишни илтимос қилиб қолди.

— Йўлим экан, ўтира қолинг, — деди илтифот билан нажот кутиб турган йўловчига.

Манзилга етиб келингач, йўловчи чўнтагидан пул чиқариб унга узатди. Т. Мадумаров норози оҳангда деди:

— Пулим ўзимга етарли, уят бўлади, ҳамкасаба.

Тоҳиржон гаражга келгач, «Москвич»нинг у ёқ бу ёғини кўздан кечириб, артиб тозалади. Шунда ўриндиқда ётган ҳужжатларга кўзи тушди. Ҳалиги йўловчи 200 сўм пул, паспорт, лотерея билетлари ва бошқа ҳужжатларини унутиб қолдирганди. Кеч бўлиб қолгани учун Тоҳиржон омонатларни эгасига эртага элтиб беришни кўнглидан ўтказди.

Эртасига пул ва ҳужжатларини олган Андижон шаҳар автокомбинати шофёри Ҳ. Останақулов ҳамкасабаси Т. Мадумаровга бутун оиласи номидан қизғин миннатдорчилик билдирди. «Раҳмат»лардан нокулай аҳволга тушган Тоҳиржон ғулга ўтираркан:

— Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда ҳам худди шундай қилган бўларди, — деди.

Ч. ИНОҚОВ,

ҚУРУВЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС XXV съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун курашаётган «Янгиерводстрой» трестига қарашли 27-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари зафар маррасини барвақт эгалладилар. Коллектив ўнинчи беш йиллик уч йиллик планини муддатидан олдин бажарди. Яъни, уч йиллик планда мўлжалланган 10055 минг сўм ўрнига 10764 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди.

Механизациялашган кўчма колонна қурувчилари йилнинг охирига қадар яна 500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга азму қарор қилишди.

А. БУХОРОВ,
Сирдарё области.

Редактор Ч. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — «Заряднага сафланинг». 10.00 — «Будильник». 10.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 11.30 — Маша ва Витянинг янги йил саргузаштлари». Бадиий фильм. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музиқали киоск. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 14.50 — «Қиш қиссаси». Спектакль. 16.50 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Мультфильмлар программаси. 17.45 — Концерт. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — «Киносаёҳатчилар клуби». 20.15 — «Кадриль». Бадиий фильм. 21.30— «Вақт». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Т. Муродов куйлайди. 10.50 — «Тиканли сим ортида ринг». Телеспектакль, 1- қисм. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — «Тиканли сим ортида ринг». Телеспектакль, 2-қисм. 14.00 — Волейбол. «Автомобилист» — «Динамо» (М). 15.00 — Оталар учун консультация. 15.30 — Реклама. 17.35 — «Юлдузча». 18.05 — «Кичик сеҳргарлар». Болалар цирки. 18.45 — «Оламда нима гап». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — «Газал оқшоми». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Студентлар концерти. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Соҳиллар». Бадиий фильм. 23.25 — Волейбол. «Автомобилист» — «Спартак». (Л).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

РАДИО

24 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Санъат усталарининг концерти. 9.15 — Табассум радиожурнали. 10.30 — Ижодий оламида. 11.15 — Москва. С добрым утром! 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Беш йиллик қаҳрамонлари. 13.30— Хатларингизни ўқиб... Концерт. 14.00 — Чўлқувар. Радиокомпозиция. 15.00 — Мактаб ва ҳаёт. 15.40 — Э. Воҳидов. Олтин девор. 17.20 —Замонавий қўшиқлардан концерт. 18.15 — Ёшлик радиостанциясининг «Инсон одоби билан» программаси. 19.00 — Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. 19.30 — Чолғу куйлари. 20.25 — Ўзбек давлат филармониясининг солистлари куйлайди. 21.00 — Табассум радиожурнали. 22.28 — Халқ куйларидан концерт. 23.15 — Дам олиш соатида.

25 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Яхши кайфият». 9.15 — «Ленинча радиолекторий». 9.30 — Совет авторларининг қўшиқлари. 10.30 — Халқ куйлари. 11.15 — Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. 12.00— «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Қўйчиликка қудратли озуқа заводлари». 13.30 — Чолғу куйлари. 14.00 — «Шоликорларнинг янги марралари». 16.10 — Ўзбекистон композиторларининг асарлари. 18.15— «Иқтисодий билимлар радиоуниверситети». 18.30 — Оркестр куйлари. 20.25 — Грузия куйлари. 21.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 21.30 — «Шу ҳафтанинг энг муҳим спёсий воқеалари». 21.40 — «Ҳаёт садоси». Радиокомпозиция. 22.30 — Халқ талантларининг концерти. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-38, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-53-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71, Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02981. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 293.